

НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ФРАЗЕОЛОГИЗМДА РЕАЛЛАШУВИ

Baymanov Habibullo Abdullayevich f.f.dok. (PhD), dotsent,

Аннотация: мазкур мақолада немис ва ўзбек тилларида сифат лексемаларнинг фразеологизмда барқарорлашуви, бадий асар тилидаги экспрессив-эмоционаллик маҳсулдорлиги, лингвокультурологик, лексик-семантик, стилистик жиҳатларидаги ўзаро муштараклиги ҳамда мулоқот маданиятидаги менталитетга хос хусусиятлари муҳокама этилади.

Калит сўзлар: тилнинг морфологик бирлиги; сифатларнинг семантик бирлиги; белги ва хусусиятларни ифодаланиши; семантик хусусият, синтактик хусусият; морфологик хусусият; прагматик хусусият; аслий сифатлар; нисбий сифатлар.

В данной статье рассматривается стабилизация адъективных лексем немецкого и узбекского языков во фразеологизме, экспрессивно-эмоциональная продуктивность в языке художественных произведений, их взаимность в лингвокультурологическом, лексико-семантическом, стилистическом аспектах, специфические особенности менталитета в культуре общения.

Ключевые слова: морфологическая единица языка; семантика имён прилагательных; определение; семантический свойство; синтактический свойство; морфологический свойство; прагматические особенности;

This article discusses the stabilization of adjective lexemes in German and Uzbek languages in phraseologism, expressive-emotional productivity in the language of artistic works, their mutuality in linguistic-cultural, lexical-semantic, stylistic aspects, and the specific characteristics of mentality in communication culture.

Key Words: morphological unit of language; semantics of adjective names; definition; semantic property; syntactic property; morphological property; pragmatic features; relative adjectives.

Дунё тилшунослигида лисоний ҳодисаларнинг нутқий мулоқот шароитида

бевосита ва билвосита танлаб олинишини таъминловчи асосий омилларни қиёсий-чоғиштирма ёндашув асосида тизимли равишда тадқиқ қилиш амалиёти кенг ўрин эгалламоқда. Қиёсий-чоғиштирма тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти бўлган мазкур тадқиқотда немис ва ўзбек тилларидаги сифат лексемаларнинг фразеологизмлар, барқарор бирикмалар таркибида қўлланиши хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати кучаймоқда.

Қиёсий-чоғиштирма тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти бўлган мазкур тадқиқотда немис ва ўзбек тилларидаги сифат лексемаларнинг фразеологизмлар, барқарор бирикмалар таркибида қўлланиши хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати кучаймоқда.

Қиёслаш маданият билан, маданият эса қиёслаш билан ҳамоҳанг, чунки қиёслаш кенг маънода умулаштириш ва фарқламоқ демакдир. Ҳар қандай воқеликни қиёслаш қиёсланаётган воқелик ёки нарса ҳодисанинг интеграл ёки дифференциал белгиларни аниқлаштириш имконини яратади. Тилшуносликда Ф. де Соссюр томонидан тилнинг интеграл ва дифференциал белгилари фарқланди. Бу илмий йўналиш оппозиция, трансформация, компонент таҳлил каби қатор тилни илмий ва амалий ўрганиш методларининг асосини ташкил этади [1; 13].

Шунингдек, немис тилшуноси Бауманн К. “Инсон тили унга предмет ҳақидаги маълумотни қай тарзда етказса, шу билан яшайди. Ҳар қандай тил шахс мансуб бўлган халқни, унинг тарзини ифода этади [4; 79]” деган фикрлари ўринлидир.

Ҳ.А. Байманов немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифатларнинг функционал-семантик хусусиятларини чоғиштирма тадқиқот асосида махсус ўрганган. Немис ва турк тилларидаги сифатларни Л. Йохансен, Р. Йохен ва Б. Шлуйкер сингари лингвистлар чоғиштиришган. С. Пак немис, венгер ва корейс тилларидаги сифатларни чоғиштирма методда ўрганган [2; 19].

Айтиш мумкинки, немис ва ўзбек тилларидаги ранг-тус сифат лексемаларнинг фразеологик хусусиятлари эса, қиёсий-чоғиштирма нуқтаи назаридан махсус тадқиқ этилмаган бўлиб, бугунги кунда бевосита тадқиқот объекти бўла олиши

билан долзарбдир.

Сўз ва унинг маънолари ҳақида академик Е. Малиновскийнинг “Ҳар қандай тил ҳам ҳар бир конкрет фикрни мустақил сўз билан ёки ўзак орқали ифода этиб беришга ожизлик қилади. Тажрибанинг конкретлиги чексиздир, энг бой тилнинг ҳам ресурслари ҳам чегаралангандир. Тил, айрим конкрет ё ярим конкрет тушунчалардан функционал боғланиш воситаси сифатида фойдаланиб сон-саноксиз маъноларни у ёки бу тушунча тармоқлари бўйича таратиб юборади [3; 121].” деган эътирофи ўринлидир.

Бу билан тилшунос олим фразеология инсоннинг тил фаолиятидаги энг ўзлигини ифодаловчи, мураккаб ва компликатив воқеликка эга эканлигини илғор сурган бўлса ажабмас.

Сифат немис тилида ўзининг лексик-грамматик хусусиятларига кўра мустақил сўз туркуми сифатида ажратилган бўлсада, лексикалогиянинг ажралмас бир қисми бўлган фразеологияда бошқа сўз туркумлари қатори алоҳида аҳамият касб этади [4; 128]:

Es ist noch nicht aller Tage Abend – оининг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир.

In den letzten Verhandlungen könnte noch keine Entscheidung herbeigeführt werden, aber es ist ja noch nicht aller Tage Abend (W. Goethe).

Охирги музокарада ҳеч бир қарорга келинмади, начора, кутамиз оининг ўн беши қоронғу деса ўн беши ёруғ-ку.

Mit beiden Beinen auf der Erde (im Leben) stehen – ҳаётнинг пасту-баландини яхши билмоқ.

Um meinen Freund ist mir nicht bange. Er steht mit beiden Beinen im Leben und wird sich immer zu halten wissen (G. Grass). Мен дўстим ҳақида кўп ҳам қайғуравермайман. У ҳаётнинг пасту-баландини яхши билади, тажрибаси етарли.

Немис тилида сифат лексик-грамматик хусусиятларига кўра мустақил сўз туркуми сифатида муҳим аҳамият касб этади. Сифат лексемаларни ёритишда функционал-семантик хусусиятлар сўнги йилларда долзарблашмоқда.

Сифатларни турли аспектларда таснифлаш муаммолари ҳамон долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Кузатув натижасида хулоса қилиб айтиш ўринлики, уларнинг барчаси воситасида фраземалар шаклланавермайди. Кўп эътироф этилган *weis*-оқ; *schwarz*-қора лексемаси предметнинг ранг-тусини, белгисини билдириши билан фразема таркибида иштирок этиб, бошқа окказионал маъноларни ҳам ифода этади. Шу асосда мазкур лексема ёрдамида асосан ижобий ва салбий маъноли фраземалар шаклланган: оқ кўнгил, юзи оқ бўлди, ўзини оқлади; шунингдек, қора ниятли, қора кўл, юзи қора ва шу кабилар. Мисоллардан сифат лексемаларнинг кўпинча от лексемалар билан боғлашувга киришганлиги аён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2006.
2. Байманов Ҳ. А. Инсон характериға хос сифат лексемаларнинг функционал-семантик хусусиятлари (немис ва ўзбек тиллари мисолида). Филол.фан.фал.док. (PhD). ... дисс. – Тошкент: 2020. 157 б.
3. Малиновский Е.А. Формирование русской фразеологической теории в XX веке. – С., 2007.
4. Baumann, Carolin ; Dabóczy, Viktória ; Hartlmaier, Sarah [Adjektive: Grammatik, Pragmatik, - Berlin, Boston, 2018. – S. 219.](#)
5. H. Baymanov*, A. Avlakulov, S. Sattorova, F. Rozikova, M. Muminova Compliment-concept and discourse features of qualitative lexemes of human nature (on the example of German and Uzbek languages) // Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 2598 – 2605 Received 05 March 2021; Accepted 01 April 2021. 2598 <http://annalsofrscb.ro>.